

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ PhD ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ТЕШАБАЕВ ШЕРЗОД АЛИЖАНОВИЧ**

**ҒЎЗА-ҒАЛЛА НАВБАТЛАБ ЭКИШ ТИЗИМИДА БЕГОНА ЎТЛАРГА  
ҚАРШИ САМАРАЛИ КУРАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*(Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари мисолида)*

**06.01.01–Умумий дехқончилик. Пахтачилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎТ: 633.51/11+631.5/559

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural  
sciences**

**Тешабаев Шерзод Алижанович**

Вўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида бегона ўтларга қарши самарали  
кураш технологиясини такомиллаштириш (*Андижон вилоятининг оч  
тусли бўз тупроқлари мисолида*) ..... 5

**Тешабаев Шерзод Алижанович**

Совершенствование технологии эффективной борьбы с сорной  
растительностью в системе севооборота посева хлопка-зерновых культур  
(*в условиях светлых сероземных почв Андижанской области*)..... 17

**Teshabayev Sherzod Alijanovich**

Developing the technology of effective fighting against weeds in the system  
of cotton-cereal crops (*in the conditions of light gray soils of the Andijan  
region*) ..... 31

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 35

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ PhD ИLMИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ТЕШАБАЕВ ШЕРЗОД АЛИЖАНОВИЧ**

**ҒЎЗА-ҒАЛЛА НАВБАТЛАБ ЭКИШ ТИЗИМИДА БЕГОНА ЎТЛАРГА  
ҚАРШИ САМАРАЛИ КУРАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*(Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари мисолида)*

**06.01.01–Умумий дехқончилик. Пахтачилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2. PhD/Qx84 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ Андижон илмий тажриба станцияси) бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг ([itga\\_info@edu.uz](mailto:itga_info@edu.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) манзилга жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Махмудов Обиджон Махмудович,  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:** Ибрагимов Одижон Олимжонович,  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Ризаев Шухрат Худойбердиевич,  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат аграр университети


Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Андижон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти хузуридаги PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 рақамли Илмий кенгашнинг «4» 02 2021 йил соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 170600, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйган ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси 1-уй. Тел. (+99874) 373-10-54; факс: (+99874) 373-13-63; e-mail: [itga\\_info@edu.uz](mailto:itga_info@edu.uz). Андижон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Маъмурий биноси, 1 қават, анжуманлар зали).


Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Андижон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (№ 05 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси 1-уй. Андижон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел: (+99874) 373-10-54.

Диссертация автореферати 2021 йил «28» 06 куни тарқатилди.  
(2021 йил «28» 06 даги 05 рақамли реестр баённомаси).



  
А.Исатов,  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, к.х.ф.д., профессор

  
С.О.Абдурахмонов,  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.х.ф.д., профессор в.б.

  
К.С.Комилов,  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси,  
к.х.ф.н., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** «Дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатларининг 33 млн. гектарга яқин майдонларида пахта ва 100 дан ортиқ мамлакатларда 200 млн гектардан зиёд майдонда кузги буғдой етиштирилиб, бегона ўтлар билан зарарланиш натижасида етиштирилган ҳосилнинг 10-15% йўқотилмоқда. Дунёнинг Хитой, Германия, АҚШ, Бразилия, Аргентина, Ҳиндистон, Покистон, Австралия, Жанубий Корея, Россия, Украина, Қозоғистон каби бошқа бир қатор давлатларида 3000 дан ортиқ турдаги бегона ўтлар тарқалган бўлиб, шулардан 200 дан ортиқ тури асосий қишлоқ хўжалик экин майдонларини зарарламоқда»<sup>1</sup>. Бегона ўтларга қарши уйғунлашган ҳолда агротехникавий ва кимёвий кураш тадбирларини биргаликда олиб борилиши бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Дунёда пахта ва кузги буғдой етиштирувчи ривожланган давлатларда бегона ўтларга қарши курашишда, тупроққа ҳар хил усулларда ишлов бериш билан бирга гербицидларни шудгор олдидан, чигит экиш билан бирга ҳамда ўсимликларни вегетация даври давомида қўлланилиши бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Пахта-ғалла навбатлаб экиш тизимида майдонларнинг фитосанитар ҳолатини биргина тупроққа ишлов бериш тадбирлари билан яхшилашга ҳар доим ҳам эришиб бўлмаслигини эътиборга олган ҳолда, гербицидларни бошқа агротадбирлар билан биргаликда уйғунлашган ҳолда олиб бориш натижасида ижобий натижалар олинмоқда.

Республикамизда ғўза ҳамда кузги буғдой экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш борасида тупроққа асосий ишлов бериш усуллари билан бирга гербицидларни турли хил муддат ва меъёрларида уйғунлашган ҳолда қўллаб тадқиқотлар олиб бориш жуда муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «3.3... қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат ҳавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало замонавий агротехнологияларни жорий этиш<sup>2</sup>» муҳим стратегик вазибалар сифатида белгилаб берилган. Шу нуқтаи назардан, пахта ҳамда ғалла майдонларида тарқалган бегона ўтларга қарши курашишда тупроққа асосий ишлов бериш усуллари ва гербицидларни уйғунлашган ҳолда қўллашнинг самарадорлигини аниқлаш ҳамда амалиётга кенг жорий этиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги 5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ва 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда соҳага доир бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

<sup>1</sup> <http://www.icar.org.in>; <http://www.agric.gov.ub.ca>; <http://www.global.com>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947, 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси 3 банди

вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизнинг суғорилиб деҳқончилик қилинадиган турли тупроқ-иқлим шароитида пахтазорларда тарқалган бегона ўтларга қарши агротехник тадбирлар орқали Б.Собиров, И.Н.Либерштейн, В.Кондратюк, З.Насиров, А.Жўрақулов, З.Турсунхўжаев, М.Мухаммаджонов, Қ.Мирзажонов, Б.Бахромов, Ф.Ҳасанова ва кимёвий Б.Алиев, М.Лазовацкая, Р.Тиллаев, А.Сағдуллаев, Н.Халилов, Я.Бўриев, Б.Холманов, М.Шодманов, А.Юлдашев, Н.Турдиева, С.Суллиева, Ш.Ризаевлар томонидан кураш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Аммо, Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олишда, бегона ўтларга қарши уйғунлашган курашнинг (тупроққа асосий ишлов бериш усуллари билан бирга гербицидларни қўллаш) таъсири ва кейинги таъсири бўйича етарлича илмий изланишлар олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ҚХ-А-7-011 «Ғўза-ғалла мажмуидаги экинларни парваришlashда тезпишар ва юқори ҳосил олишни таъминлайдиган ресурстежамкор тупроққа дифференциал ишлов бериш тизимини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган(2012-2014 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади.** Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида ғўза ва кузги буғдой экинлари парваришланаётган майдонларда учрайдиган бегона ўтларга қарши уйғунлашган (тупроққа асосий ишлов бериш усуллари билан бирга гербицидларни қўллаш) ҳолда курашишда экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайдиган агротехнологияни такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар шароитида ғўза ва кузги буғдой экинлари парваришланаётган майдонлардаги бегона ўтларга қарши уйғунлашган курашни тупроқнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

ғўза ва кузги буғдой экинлари парваришланаётган майдонлардаги бегона ўтларга қарши уйғунлашган курашнинг бегона ўтларга таъсири ва кейинги таъсирини аниқлаш;

ғўза ва кузги буғдой экинлари парваришланаётган майдонлардаги бегона ўтларга қарши уйғунлашган курашнинг экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

ғўза ва кузги буғдой экинлари парваришланаётган майдонлардаги бегона ўтларга қарши уйғунлашган курашнинг пахта толасининг технологик хусусиятлари ва кузги буғдой донининг сифат кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш;

ғўза ва кузги буғдой экинлари парваришланаётган майдонлардаги бегона ўтларга қарши уйғунлашган курашнинг пахта-ғалла етиштиришдаги иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари, ғўзанинг Андижон-35 нави, кузги буғдойнинг “Краснодар-99” нави, Стомп 33%, Дафосат, Гранстар 75% ДФ, Гранстар плюс гербицидлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб бир ва кўп йиллик бегона ўтлар, тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссалари, тупроққа асосий ишлов бериш усуллари ҳамда гербицидларни қўллаш, ғўза ва кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда кузатув ва тахлиллар ПСУЕАИТИда қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш” услубномаси асосида, тажриба вариантларида тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий ва микробиологик хоссаларини ўрганиш “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” услубий қўлланмалари бўйича, олинган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончилиги умум қабул қилинган Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услуби ёрдамида математик-статистик таҳлил Microsoft Excel компьютер дастури асосида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида бегона ўтларга қарши уйғунлашган курашнинг ғўза даласидаги бир йиллик бегона ўтларни камайишига таъсири 84,1% дан 85,7% гача, кўп йиллик бегона ўтларга таъсири эса 79,4% дан 81,1% гача, кузги буғдой даласида эса бир йиллик бегона ўтларга кейинги таъсири 84,3% дан 92,8% гача, кўп йиллик бегона ўтларнинг камайишига таъсири 54,2% дан 66,7% гача бўлганлиги аниқланган;

ғўза ва кузги буғдой экинлари парваришланаётган майдонлардаги бегона ўтларга қарши уйғунлашган курашнинг тупроқнинг агрофизик хоссаларидан, тупроқнинг ҳажм оғирлигини 0,02 г/см<sup>3</sup> камайиб, ғоваклиги 0,86% га, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 43,7 м<sup>3</sup>/га гача ҳамда тупроқ донадорлиги 1,5% гача яхшиланганлиги аниқланган;

ғўза ва кузги буғдой экинларини парваришlash учун тупроқни икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаб ҳамда ғўза қатор орасига 15-20 см чуқурликда культиватор билан ишлов бериб, гербицидлар

қўлланилганда экинларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда сифат кўрсаткичларига ижобий таъсири аниқланган;

ғўза ва кузги буғдой экинлари парваришланаётган майдонлардаги бегона ўтларга қарши тупроққа ишлов бериш усуллари билан бирга қўлланилган гербицидларни пахта ва кузги буғдой етиштиришда юқори иқтисодий самарадорликка эришилганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида бегона ўтларга қарши тупроқни икки ярусли плуг ёрдамида 28-30 см чуқурликда шудгорлаш билан бирга гербицидларни уйғунлашган ҳолда қўллаш натижасида тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларини яхшилаб, ғўза парваришланаётган майдонлардаги бир йиллик бегона ўтлар сонини 84,1-85,7% гача, кўп йиллик бегона ўтлар 79,4-81,1% гача камайиши таъминланган.

Ғўза қатор орасига 15-20 см чуқурликда культиватор ёрдамида ишлов бериш усули билан бирга гербицидларни қўллаш натижасида кузги буғдойнинг амал даври давомида бир йиллик бегона ўтлар сонини 84,3-92,8% гача, кўп йиллик бегона ўтлар 54,2-66,7% гача камайиши ҳисобига юқори ҳамда сифатли дон ҳосилини олиш таъминланган.

Кузда далани икки ярусли плуг ёрдамида 28-30 см чуқурликда шудгор қилиниб, бир ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши кузги шудгор олдидан Дафосат 6,0 л/га, чигит экиш билан бирга Стомп 33% 2,0 л/га меъёрда қўлланилганда соф даромад 516904 сўмдан 678848 сўмгача, рентабеллик даражаси эса 18,1% дан 23,8% гача юқори бўлганлиги аниқланган.

Кузги буғдой етиштиришда бир ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши ғўза қатор орасига 15-20 см чуқурликда культиватор ёрдамида ишлов бериб, Гранстар 75% 20 г/га, Гранстар плюс 25,0 г/га меъёрда гербицидларни қўллаш натижасида соф даромад 790060 сўмдан 887610 сўмгача, рентабеллик даражаси эса 42,0 фоиздан 47,2 фоизгача юқори бўлишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Дала ва лаборатория тажрибаларини бажаришда тасдиқланган услублардан фойдаланилганлиги, тажрибада олинган маълумотларни математик-статистик таҳлил қилинганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларга асосланганлиги, илмий ва амалий натижаларни бир-бирига мослиги, мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланганлиги ва амалиётга жорий этишга тавсия қилинганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги ҳамда илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар шароитида ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида ғўза ҳамда кузги буғдой майдонларда тарқалган бир ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши тупроққа асосий ишлов бериш усуллари билан бирга гербицидларнинг мақбул меъёрларини уйғунлашган ҳолда қўллаш, тупроқнинг агрофизикавий,



агрокимёвий хоссаларига, ўсимликларни ўсиши, ривожланишига, бегона ўт турлари ҳамда миқдорига таъсири ва кейинги таъсири илмий асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар шароитида ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида ғўза ва кузги буғдой далаларидаги бегона ўтларга қарши ғўза парваришlash учун ерни икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаш билан бирга кўп йиллик бегона ўтларга қарши Дафосат 6,0 л/га, бир йиллик бегона ўтларга қарши чигит экиш билан бирга Стомп 33% 2,0 л/га меъёрларда, кузги буғдой парваришlash учун ғўза қатор орасини 15-20 см чуқурликда культиватор ёрдамида ишлов берилиб, бир йиллик ҳамда кўп йиллик бегона ўтларга қарши Гранстар 75 ДФ 20,0 г/га, Гранстар плюс 25,0 г/га меъёрларда қўллашнинг ғўза ва кузги буғдой далаларида тарқалган бегона ўтларга таъсири ҳамда кейинги таъсирини ўрганиш билан бирга экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш ҳамда иқтисодий самарадорлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўза ва кузги буғдой экинлари парваришланаётган майдонларидаги бир ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши шудгорлаш усуллари ва гербицидларни қўллаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

Пахтачилик ҳамда ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун «Бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши тупроққа ишлов бериш усуллари ва гербицидларни қўллаш бўйича» тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 02/025-4225-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома вилоят ва туман қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари, кўп тармоқли фермер хўжаликларида қўлланма сифатида кенг фойдаланилмоқда.

Ишлаб чиқариш тажрибалари 2015-2017 йилларда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида жами 120 гектар (пахта майдонларида 60 гектар, ғалла майдонларида 60 гектар), Жалақудуқ туманида жами 150 гектар (пахта майдонларида 75 гектар, ғалла майдонларида 75 гектар) майдонларда жорий қилинган бўлиб, пахта майдонларини икки ярусли омоч билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаб, Стомп 33 % э.к. 2,0 л/га меъёрда қўлланилганда бир йиллик бегона ўтлар 85-90 % гача камайиб, пахта ҳосилдорлиги 3-4 ц/га ортган, рентабеллик даражаси 40% бўлишига эришилган;

кузги буғдой майдонларида учрайдиган бир йиллик бегона ўтларга қарши курашишда ғўза қатор орасига культиватор ёрдамида 15-20 см чуқурликда ишлов бериб, ғалланинг тупланиш даврида Гранстар-75 ДФ гербицидини қўллаш натижасида далалардаги ҳар хил биологик хусусиятга эга бўлган бир йиллик бегона ўтларни 85-90 % гача камайишига, кузги буғдой дон ҳосили 4 ц/га ортиб, рентабеллик даражаси эса 35 % ни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили ҚХООТИИЧМ ва ПСУЕАИТИ томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан

ижобий баҳоланиб, ҳисоботлар ПСУЕАИТИнинг услубий кенгашида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш нашр этилган, шулардан, 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Бегона ўтларнинг зарари, уларга қарши кураш чоралари бўйича илмий манбаларнинг шарҳи**» деб номланган биринчи бобида, мавзу бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари, маҳаллий ва хорижий адабиётларда ўрганилаётган омиллар бўйича чоп этилган илмий маълумотлар батафсил таҳлил қилинган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда тупроққа турли усуллар ва муддатларда ишлов бериш, тупроқнинг агрофизик ҳамда агрокимёвий хоссаларига, бегона ўтларга таъсири ҳамда бегона ўтларга қарши кимёвий курашда фойдаланиладиган гербицидларни қўллаш, пахта ва ғалладан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда бегона ўтларга қарши агротехник ҳамда кимёвий кураш борасидаги маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот ўтказиш услублари ҳамда агротехник тадбирлар қайд қилинган.

Дала тажрибалари ПСУЕАИТИнинг Андижон тажриба станцияси тажриба даласида ўтказилиб, ҳисоблашлар ва кузатувлар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», Тупроқ ва ўсимликлардаги таҳлиллар «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических

исследований в поливных хлопковых районах» услубномалари асосида олиб борилган. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ва Б.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубий қўлланмаси бўйича дисперсион таҳлил асосида статистик ишлов берилган.

Тажрибалар ғўза-ғалла навбатлаб экишнинг 1:1 тизимида олиб борилиб, 6 та вариант, 4 та такрорлашда ва 1 ярусда жойлаштирилган. Ҳар бир вариантнинг майдони 720 м<sup>2</sup>, ҳисобга олиш майдони 360 м<sup>2</sup> ни ташкил қилган. Тажрибанинг умумий майдони 1,728 гектар. Тажрибада ғўзанинг «Андижон-35», кузги буғдойнинг «Краснодар-99» нави парваришланган.

Тадқиқотлар олиб бориш жараёнида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини кузатиб бориш ишлари қабул қилинган услубномалар асосида олиб борилиб, ҳисоб-китоблар қилинган. Олиб борилган барча агротехник тадбирлар жорий этилган тавсиялар асосида амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Бегона ўтларга қарши самарали кураш технологияларини такомиллаштиришни тупроқнинг агрофизик хоссаларига таъсири**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот ўтказилган йилларда ғўза парваришида тупроқни икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаш, тупроққа оддий плуг билан шудгорланганга нисбатан тупроқнинг 0-30 см қатламида тупроқнинг ҳажм массаси 0,02 г/см<sup>3</sup> камайиб, ғоваклиги 0,86% га, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 43,7 м<sup>3</sup>/га гача ҳамда тупроқ донадорлиги 1,5% гача яхшиланиши билан бирга, кузги буғдой парваришидаги кейинги таъсири натижасида тупроқнинг ҳажм массаси бироз камайган бўлсада, ғоваклик 0,74% гача, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 130,9 м<sup>3</sup>/га, тупроқнинг донадорлиги 0,5% гача яхшиланишини таъминлаган.

Диссертациянинг «**Бегона ўтларга қарши тупроққа турли усулда ишлов бериш ва гербицидларни қўллашни экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида бегона ўтларга қарши тупроққа турли усулда ишлов бериш билан биргаликда ҳар хил турдаги гербицидларни уйғунлашган ҳолда қўллашни экинларни ўсиш, ривожланиши ҳамда ғўза ва кузги буғдой майдонларида тарқалган бегона ўтлар сонини камайишидаги самарадорлиги аниқлаган.

Олиб борилган илмий тадқиқотларда тупроққа икки ярусли плуг ёрдамида шудгор олдидан кўп йиллик бегона ўтларга қарши Дафосат 6 кг/га меъёрда, чигит экиш билан бирга бир йиллик бегона ўтларга қарши Стомп 33% э.к. гербициди 2,0 л/га қўлланилганда бегона ўтлар билан зарарланишни олди олиниши ҳисобига чигитларнинг униб чиқиши 90,4-92,6% ни ташкил этган бўлиб, бошқа вариантларга нисбатан 7,4-9,6% гача юқори бўлганлиги аниқланган.

Кузги буғдойда олиб борилган илмий тадқиқотимизда кузги буғдой уруғларини униб чиқиш даражасига ўтмишдош экин сифатида парваришланган ғўза майдонидаги бегона ўтларга қарши тупроққа икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаш билан бирга гербицидларни уйғунлашган ҳолда қўллашни таъсири натижасида тупроқни

оддий плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгор қилинган вариантларга нисбатан энг юқори кўрсаткич 6-вариантда 87,1% ни ташкил этиб, униб чиқиш назорат вариантыга нисбатан 2,1% гача юқори бўлганлиги кузатилган.

Олиб борилган тадқиқот натижасига кўра, ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида бегона ўтларга қарши уйғунлашган кураш чора-тадбирларини амалга оширишда тупроққа асосий ишлов бериш усуллари билан бирга гербицидларни қўллашнинг ғўза ва кузги буғдой далаларидаги бегона ўтларга таъсири ва кейинги таъсир самарадорлигини аниқлаш мақсадида ғўза майдонида олиб борилган тажрибамизда тупроққа асосий ишлов бериш ва юза ишлов беришдан олдин бегона ўтлар сони ҳисобга олиб борилган.

Икки ярусли плугда 28-30 см чуқурликда шудгорлашдан олдин даладаги бегона ўтлар сони ҳисобга олинганида, бир йилликлар сони 29 дона/м<sup>2</sup> ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич, кўп йилликларда 22 дона/м<sup>2</sup> ни ташкил этганлиги аниқланди. Баҳорда ушбу фонда тупроққа юза ишлов беришдан олдин бегона ўтлар сони ҳисобга олинганида, бир йилликлари сони 14 дона/м<sup>2</sup> донага, кўп йилликлар сони 8 дона/м<sup>2</sup> га тенг бўлганлиги кузатилган.

### 1-жадвал

#### Тупроққа турли усулда ишлов бериб, бегона ўтларга қарши гербицидлардан фойдаланишни ғўза парваришдаги ўрни (Назоратга нисбатан% ҳисобида, 2012 йил 1-дала)

№	Бир йиллик бегона ўтлар						Кўп йиллик бегона ўтлар			
	Қора курмак	Олабута	Игузум	Ўввойи гултожи хўроз	Семизўт	Жами	Ғумай	Ажриқ	Кўйпечак	Жами
<b>Гербицид сепгандан 20 кундан сўнг</b>										
1	-29,3	-34,7	-37,2	-31,3	-29,8	-32,5	-12,8	-14	-16,3	-18,6
2	66,3	68,2	58,5	70,5	72,7	67,2	75,7	66,7	76,9	73,2
3	78,5	76,8	73,8	81	78,6	77,7	-4,9	-3,9	-7,1	-5,1
4	-21,2	-27,9	-25	-22,6	-22,5	-23,8	-9,6	-11,9	-13,5	-16,3
5	74,5	75,2	65,7	79	75	73,9	79,2	73,2	83,3	82
6	85,1	84,1	81,1	85,7	84,6	84,1	-2,3	-2,3	-5,3	-3,6
<b>Гербицид сепгандан 40 кундан сўнг</b>										
1	-33,9	-38,7	-39,5	-33,8	-31,6	-35	-15,4	-16	-18,6	-21,8
2	68	69,7	61	73,1	74,5	<b>69,3</b>	75,7	67,9	79,5	73,9
3	80	78,3	76,2	81	82,1	<b>79,5</b>	-7,3	-5,9	-9,5	-7,6
4	-25	-30,2	-27,8	-25,8	-25	-26,1	-12	-13,3	-15,1	-18,5
5	78,4	74,8	68,6	77,4	80,6	<b>75,9</b>	79,2	74,6	87,8	82,7
6	86,4	84,1	83,8	85,7	87,2	<b>85,4</b>	-4,6	-4,7	-7,9	-5,1

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, икки ярусли плугда 28-30 см чуқурликда шудгорланганда, тупроққа оддий плуг билан 28-30 см чуқурликда ишлов беришга нисбатан бир йиллик бегона униб чиқиши 7 дона/м<sup>2</sup> га, кўп йиллик бегона ўтлар 5 дона/м<sup>2</sup> га кам бўлганлиги кузатилган.

Кузги шудгор олдида Дафосат гербицидини 6,0 кг/га меъёрда қўллаш кўп йиллик бегона ўтлар сонини тупроққа оддий плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгор қилинганга нисбатан 10 дона/м<sup>2</sup> гача, тупроққа икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгор қилинганда эса 14 дона/м<sup>2</sup> гача, чигит экиш билан бирга Стомп гербицидини 2,0 л/га меъёрда қўллаш бир

йиллик бегона ўтлар сони тупроққа оддий плуг билан 28-30 см чуқурликда ишлов берилганида 14,45 дона/м<sup>2</sup> гача, тупроққа икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорланганда 16,8 дона/м<sup>2</sup> гача камайган.

Олиб борилган изланиш натижаларига кўра ғўза парваришlashда кузда тупроқни икки ярусли плуг билан шудгорлаш олдидан ҳамда эрта баҳорда чигит экиш билан бирга бегона ўтларга қарши гербицид қўллаш натижасида юқори ҳосилдорлик билан бирга бегона ўтларнинг кескин камайишига олиб келиши яна бир бор исботланган.


Тупроққа оддий ва икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаш билан бирга ўтмишдош экин сифатида ғўза парваришланган фонларда ғўза қатор орасига 15-20 см чуқурликда култиватор ёрдамида ишлов берилганида, кузги буғдой экиш олдидан бир йиллик бегона ўтлар сонини 5,88-4,38 дона/м<sup>2</sup> га, кўп йиллик бегона ўтлар сонини 5,73-3,93 дона/м<sup>2</sup> га камайишига олиб келган бўлса, кузги буғдойни тушлаш даврида бир йиллик бегона ўтларга қарши Гранстар 75% ДФ гербициди гектарига 20,0 г/га меъёрада қўлланилганда 18,0-15,3 дона/м<sup>2</sup> гача, кўп йиллик бегона ўтларга қарши Гранстар плюс гербицидини гектарига 25,0 г/га меъёрада қўлланилганда эса 2,6-2,1 дона/м<sup>2</sup> гача камайиши аниқланган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Бегона ўтларга қарши ғўза қатор орасига 15-20 см чуқурликда култиватор ёрдамида ишлов бериш ва гербицидлар қўллашни кузги буғдой даласидаги бегона ўтларга таъсири, % ҳисобида, 2013 йил

Вариантлар	Бир йиллик бегона ўтлар								Кўп йиллик бегона ўтлар					
	Ёввойи сули	Оқ шўра	Олабута	Итқўноқ	Шамак	Лола-қизғалдоқ	Жағ-жағ	Жами	Отқулоқ	Қоқиёт	Пахтапикан	Қўй-печак	Ғумай	Жами
<b>Гербицид сепгандан 30 кундан сўнг</b>														
1	-65,6	-48,8	-79,2	-44,4	-68,2	-20,5	-34,5	<b>-47</b>	-150	-78,6	-120	-71,4	-61,5	<b>-89,8</b>
2	80,8	73,3	77,8	83,3	82,4	100	83,3	<b>84,3</b>	-40	-30	-40	-30	-22,2	<b>-30,8</b>
3	28,6	22,2	23,8	25	25	100	17,4	<b>38,3</b>	66,7	50	71,4	41,7	54,5	<b>54,2</b>
4	-26,7	-8,1	-23,8	-21,4	-16,7	-22,2	-14,3	<b>-18</b>	-66,7	-100	-150	-45,5	-40	<b>-77,8</b>
5	95,5	87,5	92,3	100	80	100	88,2	<b>92,8</b>	-25	-16,7	-66,7	-14,3	-16,7	<b>-23,1</b>
6	28	16,7	25	41,7	27,3	100	23,1	<b>38,7</b>	80	50	80	62,5	71,4	<b>66,7</b>

Ғўза парваришида бегона ўтларга қарши тупроққа икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаш билан бирга гербицидларни уйғунлашган ҳолда қўллаш натижасида ғўзадан 34,5 ц/га ҳосил олинди, тупроққа оддий плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорланган фонга нисбатан 2,3 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинган. (1-расм)



**1-расм. Бегона ўтларга қарши курашишда тупроққа ишлов бериш усуллари ҳамда гербицид қўллашнинг пахта ва кузги буғдой дон ҳосилдорлигига таъсири, ц/га**

Кузги буғдой парваришида тупроққа икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаб, ўтмишдош экин сифатида ғўза парваришланган майдонга кузги буғдой экиш олдидан 15-20 см чуқурликда ишлов бериш билан бирга кузги буғдойнинг тупланиш даврида бир йиллик бегона ўтларга қарши Гранстар75% ДФ гербицидини 20,0 г/га меъёрда, кўп йиллик бегона ўтларга қарши Гранстар плюс гербицидини 25,0 г/га меъёрда уйғунлашган ҳолда қўллаш натижасида, тупроққа оддий плуг билан 28-30 см чуқурликда ишлов берилган фонга нисбатан 3,5 ц/га қўшимча дон ҳосил олинган.

Ўтмишдош экин сифатида ғўза парваришланган майдонга кузги буғдой экиш олдидан 15-20 см чуқурликда ишлов бериш билан бирга кузги буғдойнинг тупланиш даврида гербицидларни уйғунлашган ҳолда қўллаш натижасида тупроққа ишлов бериш усулларига нисбатан 3,5 ц/га қўшимча дон ҳосили етиштирилган.

Диссертациянинг «Бегона ўтларга қарши курашда қўлланилган тадбирларнинг экинларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари» деб номланган бешинчи бобида, тажрибада бегона ўтларга қарши уйғунлашган кураш тадбирларнинг ғўза ҳамда кузги буғдой парваришидаги иқтисодий самарадорлиги келтирилган. Тадқиқотларимизда ғўза парваришида тупроққа барча ишлов бериш усуллари қўлланилган вариантларга нисбатан икки ярусли плуг ёрдамида 28-30 см чуқурликда шудгорлаш олдидан Дафосат 6 кг/га, чигит экиш билан бирга Стомп 33% э.к. гербицидларини 2,0 л/га меъёрда қўлланилган 5-6-вариантларда соф даромад 105922-169556 сўмгача, рентабеллик даражаси эса 3,4-5,5% гача юқори бўлган.

Кузги буғдой етиштиришда энг юқори иқтисодий самарали ишлов бериш усули, бу тупроққа икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаб, ўтмишдош экин сифатида ғўза парваришланган майдонда ғўза қатор орасига 15-20 см чуқурликда культиватор ёрдамида ишлов бериб, бир йиллик бегона

ўтларга қарши кузги буғдойнинг тупланиш даврида Гранстар 75% ДФ гербицидини 20,0 г/га, кўп йилликларга эса Гранстар плюс гербицидини 25 г/га меъёрларда қўллаш тупроққа оддий плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгор қилиниб, ўтмишдош экин сифатида ғўза парваришланган фонга нисбатан соф даромад 181500 сўмдан 192500 сўмгача юқори бўлиши, рентабеллик даражаси эса 9,6-10,2% гача ортиши аниқланган.

## ХУЛОСАЛАР

Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида бегона ўтларга қарши агротехник ва кимёвий кураш чораларини уйғунлашган ҳолда олиб борилган тажрибалар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ғўза парваришида тупроқни икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаш, тупроққа оддий плуг билан шудгорланганга нисбатан тупроқнинг 0-30 см қатламида тупроқнинг ҳажм массаси 0,02 г/см<sup>3</sup> га камайиб, ғоваклиги 0,86% га, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 43,7 м<sup>3</sup>/га гача ҳамда тупроқ донадорлиги 1,5% гача яхшиланиши билан бирга, кузги буғдой парваришидаги кейинги таъсири натижасида тупроқнинг ҳажм массаси бироз камайиб, ғоваклик 0,74% гача, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 130,9 м<sup>3</sup>/га, тупроқнинг донадорлигини 0,5% гача ортгани аниқланган.

2. Пахта майдонини икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаш оддий плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлашга нисбатан тупроқнинг сув ўтказувчанлигини 52,7-43,7 м<sup>3</sup>/га гача юқори бўлганлиги кузатилди.

3. Кузги шудгор олдидан Дафосат гербицидини 6,0 кг/га меъёрда қўллаш кўп йиллик бегона ўтлар сонини тупроққа оддий плуг билан 28-30 см чуқурликда ишлов беришга нисбатан 10 дона/м<sup>2</sup> гача, тупроққа икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгор қилинганида эса 14 дона/м<sup>2</sup> гача камайганлиги аниқланди.

4. Чигит экиш билан бирга Стомп гербицидини 2,0 л/га меъёрда қўллаб тупроққа оддий плуг билан 28-30 см чуқурликда ишлов берилганида бир йиллик бегона ўтлар сони 14,45 дона/м<sup>2</sup> гача, тупроққа икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорланганида 16,88 дона/м<sup>2</sup> гача камайганлиги аниқланди.

5. Тупроққа оддий ва икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаш кузги буғдой экиш олдидан бир йиллик бегона ўтлар сонини 5,88-4,38 дона/м<sup>2</sup> га, кўп йиллик бегона ўтлар сонини 5,73-3,93 дона/м<sup>2</sup> га кам бўлганлиги кузатилди.

6. Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўза ўсимлигидан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда кузда тупроққа икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаб, бир йиллик бегона ўтларга қарши чигит экиш билан бирга Стомп гербицидини 2,0 л/га, кўп йиллик бегона ўтларга қарши шудгор олдидан Дафосат гербицидини 6,0 кг/га

меъёрларда қўллаш бегона ўтлар туфайли йўқотилаётган пахта ҳосилининг 10-15% гача сақлаб қолинишига эришилган.

7. Кузги буғдойни туплаш даврида бир йиллик бегона ўтларга қарши Гранстар 75% ДФ гербициди гектарига 20,0 г/га меъёрда қўллаш 18,0-15,3 дона/м<sup>2</sup> гача, кўп йиллик бегона ўтларга қарши Гранстар плюс гербицидини гектарига 25,0 г/га меъёрда қўллаш натижасида кўп йиллик бегона ўтлар 2,6-2,1 дона/м<sup>2</sup> гача камайиши кузатилди.

8. Бегона ўтларга қарши тупроққа икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаш билан бирга гербицидларни уйғунлашган ҳолда қўллаш натижасида ғўзадан 34,5 ц/га ҳосил олиниб, тупроққа оддий плуг билан 28-30 см чуқурликда ишлов берилган фонга нисбатан 2,3 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинган.

9. Ўтмишдош экин сифатида ғўза парваришланган майдонга кузги буғдой экиш олдида 15-20 см чуқурликда ишлов бериш билан бирга кузги буғдойнинг тупланиш даврида гербицидларни уйғунлашган ҳолда қўллаш натижасида тупроққа ишлов бериш усулларига нисбатан 3,5 ц/га қўшимча дон ҳосил олинган.

10. Бегона ўтларга қарши тупроққа икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаш билан бирга гербицидларни уйғунлашган ҳолда қўллаш натижасида рентабеллик даражаси 18,1-23,8% гача бўлиб, тупроққа оддий плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаб, гербицидлар қўлланилган вариантларга нисбатан 3,4-5,5% гача, кузги буғдойда эса 9,6-10,2% гача юқори рентабелликка эришилган.

11. Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида қисқа навбатлаб экиш далаларида бегона ўтларни камайтириш ҳамда экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун:

пахта майдонларида учрайдиган бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши курашишда иқтисодий жихатдан мақбул бўлган агротехник ва кимёвий кураш тадбирларини уйғунлаштирган ҳолда тупроқни икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаб, Дафосат гербицидини 6,0 кг/га меъёрда шудгор олдида ва чигит экиш билан бирга Стомп 33% э.к. гербицидини 2,0 л/га меъёрларда қўллаш тавсия этилади;

кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда бир йиллик ҳамда кўп йиллик бегона ўтларга қарши курашишда иқтисодий жихатдан тан нархи арзон бўлган агротехник ва кимёвий кураш усуллари уйғунлашган ҳолда қўллаш тадбири сифатида ғўза қатор орасини 15-20 см чуқурликда култиватор ёрдамида ишлов бериб, кузги буғдойни туплаш даврида бир йиллик бегона ўтларга қарши Гранстар 75% ДФ гербицидини 20,0 г/га меъёрда, кўп йиллик бегона ўтларга қарши Гранстар плюс гербицидини 25,0 г/га меъёрда қўллаш тавсия этилади.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 05/30.10.2020. QX. 126.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ PhD ПРИ АНДИЖАНСКОМ ИНСТИТУТЕ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИЙ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,  
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ  
ХЛОПКА**

**ТЕШАБАЕВ ШЕРЗОД АЛИЖАНОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ЭФФЕКТИВНОЙ БОРБЫ С  
СОРНОЙ РАСТИТЕЛЬНОСТЬЮ В СИСТЕМЕ СЕВООБОРОТА  
ПОСЕВА ХЛОПКА-ЗЕРНОВЫХ КУЛЬТУР**  
*(в условиях светлых сероземных почв Андижанской области)*

**06.01.01– Общее земледелие. Хлопководство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Андижан-2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.2. PhD/Qx84

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии хлопчатника (НИИССАХ Андижанской научно-опытной станции).

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу ([fga\\_info@edu.uz](mailto:fga_info@edu.uz)) и на информационно - образовательном портале "Ziyounet" по адресу ([www.ziyounet/uz](http://www.ziyounet/uz)).

**Научный руководитель:**

**Махмудов Обиджон Махмудович,**  
доктор сельскохозяйственных наук,  
старший научный сотрудник

**Официальные оппоненты:**

**Ибрагимов Одилжон Олимжонович,**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Ризаев Шухрат Худойбердиевич,**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный аграрный университет**


Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится «9» 07 2021 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD 05/30.10.2020 Qx.126.01 при Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологий (Адресу: 170600, Андижанская область, Андижанский район, поселок Куйган яр, улица Олийгох, дом 1. АКХАИ. Тел.: (+99874) 373-10-54; факс.: (+99874) 373-13-63; e-mail: [agai\\_info@edu.uz](mailto:agai_info@edu.uz). Административный корпус Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологии, 1 этаж, зал заседаний.


С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологий (зарегистрирована № 05). Адрес: 170600, Андижанская область, Андижанский район, поселок Куйган яр, улица Олийгох, дом 1. АКХАИ. Тел.: (+99874) 373-10-54; факс.: (+99874) 373-13-63. Информационный ресурс центра.

Автореферат диссертации разослан «28» 06 2021 года  
(реестр протокола рассылки № 05 от 28.06. 2021 года)



  
**А. Исатов,**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёной степени,  
д.с.х.н., профессор

  
**С.О. Абдурахмонов,**  
Учёный секретарь научного совета  
по присуждению учёной степени,  
д.с.х.н., профессор

  
**К.С. Комилов,**  
Председатель научного семинара  
при Научном совете по  
присуждению учёной степени,  
к.с.х.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В более 80 странах мира возделывается хлопчатник на площади 33 млн. гектар и более 200 странах озимая пшеница на площади свыше 200 млн. гектар, где в результате засорения сорными растениями теряется 10-15% выращенного урожая. В таких странах как США, Бразилия, Австралия, Китай, Индия, Пакистан, Германия, Южная Корея, Россия и др. зарегистрировано более 3000 видов сорных растений, из них более 200 видов наносят ущерб основным сельскохозяйственным культурам<sup>1</sup>. В результате комплексных агротехнических и химических мер борьбы с ними можно успешно бороться.

В хлопкосеющих и зерноводческих странах мира применение гербицидов перед вспашкой, одновременно с севом и в период вегетации растений является высокоэффективным способом борьбы против сорняков. Учитывая, что в системе хлопково-зернового севооборота фитосанитарное состояние полей невозможно улучшить одной только обработкой почвы, применение гербицидов совместно с другими агромероприятиями является актуальной проблемой сегодняшнего дня.

